

РЕЖИССЁРЛИК КАСБИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА  
ЭТЮДЛАРНИНГ ЎРНИ

*РАШИД РУСТАМОВ - 1-курс “Эстрада ва  
оммавий томошалар режиссёрлиги”*

*талим йўналиши талабаси*

*Илмий раҳбар: Ўзбекистон давлат санъат  
ва маданият институти доцент в.б.*

**ИЛҲОМ СОДИҚОВ**

Режиссёрлик касби кўп тармоқли ижодий фаолият ва тасаввур қила олиш салоҳиятига эга, чуқур билим ҳамда актёрлик маҳорати сирларини мукамал эгаллашликни талаб қилади. Режиссёрлик касби каби бир қанча соҳа мутахассислиги, кўп қиррали иқтидор, маҳоратни талаб қиладиган соҳа кам учрайди.

Шунинг учун режиссёрлик касбини эгаллашга бел боғлаган талаба кўплаб ижодий соҳа билимларига эга бўлишидан ташқари, табиатан шу соҳага лаёқатли бўлиши зарур.

Аввало этюдлар ҳақида умумий тушунчага эга бўлиб олсак.

**Этюд** - ҳаётдан олинган бир воқеа бўлиб, диологларсиз, предметсиз, хатти-ҳаракатда ижро этилади. Этюд - лотинча сўздан олинган бўлиб “машқ”, “машғулот” каби маъноларни билдириб, театр педагогикасида актёрлик техникасини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун хизмат қилувчи жанрдир. Ҳаётий ҳақиқат асосида ҳаракатга асосланган, кам сўзли, диологсиз, драматургия компонентларини мужассам этган кичик кўриниш.

Этюд ўз ичига драматургиянинг ҳамма компонентларини олади. Драматургия компонентларига воқеа, қарама-қаршиликлар киради ва улар композицион тузилишга эга бўлиши керак, бир сўз билан айтганда драматик асар учун керакли бўлган барча жиҳатлар этюдда мужассам бўлиши керак. Этюд деярли сўзсиз ҳаракат асосига қурилади, аммо баъзи ҳолларда битта-иккита сўзларни ишлатиш мумкин, масалан: алло, салом, хайр, йўқ, хўб бўлади ва ҳ.к. сўзларни шундай ишлатиш керакки у диологга айланмаслиги керак. Этюд сахна санъатини эндигина ўрганаётган ижрочи учун энг муҳим босқичлардан ҳисобланади. Актёрлик соҳасини эгаллашни ўзига мақсад қилиб қўйган ҳар қандай ижрочи ижод йўлига этюдлар орқали кириб боради. Этюдлар эса актёрлик маҳоратини ўрганиш ва ўзлаштиришнинг асоси ҳисобланиб, актёрни тарбияловчи воситалардан биридир.

Этюдлар уч турга бўлинади. Якка этюд, жуфт этюд ва оммавий этюдлар. Биз талабалик даврида курс раҳбарлари билан биргаликда мана шу турдаги этюдлар

устида ишладик.

Этюд устида ишлаш талабаларнинг ижодий тасаввурлари ва фантазияларини кучайтиради, маҳорат техникасини ривожлантиради. Этюд яратиш уч босқичдан иборат: Этюд устида ишлашнинг дастлабки жараёни биринчи курснинг иккинчи ярмида, турли техник машқлар билан параллел равишда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Юқорида ўтганимиз кўплаб машқ мисолларини секин-аста янгидан-янги шарт-шароитга мослашган ҳолда этюдга айлантириш мумкинлигини таъкидлаб ўтган эдик. Мисол тариқасида оддий бир машқнинг этюд даражасигача шаклланиш босқичларини кўриб чиқамиз. Талабага оддий хатти-харакат – бирор-бир қутини очиб кўришни, у ерда унга аталган совға борлиги айтилади.

Этюдлар устида ишлашда талаба ўзи ҳоҳлаган мавзу бўйича этюд топиши мумкин. Баъзан ўқитувчи ўзи мавзу бериб, шу мавзуга мос этюд тузиш, тўқиш вазифасини беради. Бунда талабалар бир хил мавзуга турли хил ёндашиб, ўз қарашларини намоён этадилар ва бу орқали ўзларининг фантазияларини “чархлаб” борадилар. Бундай усул талабани ўз устида ва роли устида ишлашга мажбур қилади, энг асосийси режиссёрлик фаолият учун муҳим хусусият фикрлаш қобилиятини ривожлантириб боради.

Мен саҳналаштирган этюдлардан бири бу “Астроном” этюди. Бу ўқиган асарларим асосида, яъни улардан илҳомланиб тайёрланган этюдларимдан бири. Буни яққа этюдлар сирасига қўшиш мумкин.

Рассомлар асарлари асосида ишланган этюдга эса, ўзим томонидан саҳналаштирилган “Бемор рассом” этюдини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу этюд машҳур рус рассоми Алексей Кориннинг “Больной художник” номли картинаси асосида саҳналаштирилди.

Этюднинг сюжети шундан иборат:

Саҳна марказида доктор қаҳрамонимиз бемор рассомни кўрикдан ўтказётган ҳолда арда очилади. Ўртада патефон, ўнг томонда стол ва стул, ёнида рассом чизган картина мавжуд.

Доктор беморни текширувдан ўтказгандан сўнг хавотир билан турган хотинига ҳамдардлик ишорасини беради ва аёлнинг қўлига дорилар бериб, хайрлашиб саҳнадан чиқиб кетади.

Рассомни эса йўтал тутати. Аёли дори учун сув олиб келгани чиқиб кетади. Бу вақтда рассом ўзи чизган картинага қараб ўйга толади.

Аёл дори учун сув келтирганда беморнинг йўтали яна ҳуруж қилади. Аёл атефонда эри суйган мусиқани қўяди. Рассом эса мусиқани тинглаб, чизган картинасига боққанча қолади.

Парда ёпилади.

Этюд устида ишлаш фақат биринчи босқич билангина чекланиб қолмайди.

Зеро, этюд актёрга ижодкорнинг доимий ҳамрохига айланиши лозим бўлган ҳаётини кузатув хислатини беради. Шунинг учун ҳам этюд устида ишлаш жараёни нафақат талабалик балки, бутун актёрлик ижодий умри бўйи давом этиши керак.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Сайфуллаев Б.С., Маматқосимов Ж.А.. “Актёрлик маҳорати”. Т.: Фан ва технология. 2012.
2. Аҳмедов Ф.Э. “Оммавий байрамлар режиссураси асослари”. Т.: “Алоқачи”. 2008.